ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ОЗАРБАЙЖОНЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДЕПОРТАЦИЯ ҚИЛИНИШИ ХУСУСИДА

Ш.Махамадюнусов

Мақолада Иккинчи жаҳон уруши йилларида Грузиядан мажбуран Ўзбекистонга кўчирилган озарбайжонлар тақдири архив материаллари асосида ёритилган.

Калит сўзлар: *депортация, депортация қилинган халқлар, озарбайжон, кредит маблағлар.*

В статье, опираясь на архивные материалы, освещаются судьбы азербайджанцев, депортированых из Грузии в Узбекистан во время Второй мировой войны.

Ключевые слова: *переселенец, азербайджанец, узбек, милосердие, гуманность.*

In this article the fate of deported azerbaijanians during the World War II from Georgiya to Uzbekistan is described on the archive materials.

Key words: *Georgia, Andizhan region, deportation, deport nations, azerbaijanians, credit, humanistic.*

Маълумки, советлар ҳукмронлиги даврида коммунистик мафкура яккабошчилик сиёсати туфайли бир қанча кичик халқлар, этник гуруҳларга нисбатан адолатсизлик қилиниб, улар ватанларидан бадарға қилинган. Хусусан, 1937 йилда Узоқ Шарқда яшовчи корейслар бошқа юртларга кўчирилган бўлиб, улардан, тахминан, 74500 киши Ўзбекистонга келтирилган [8.98] ва маълум бир қисми Андижон вилоятининг турли туманларига жойлаштирилган эди. Совет давлати раҳбарлари мажбурий кўчириш сиёсатини Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам давом эттирди. Айни Иккинчи жаҳон уруши жанг ҳаракатлари жадал тус олган 1943-1944 йилларда Волганинг қуйи оқими, Каспий денгизи бўйларида, Қрим ва Грузияда истиқомат қилувчи бир қанча халқлар ўз ватанларидан Сибирь ва Ўрта Осиёнинг аҳолиси камроқ бўлган туманларига мажбуран кўчирилган. Бу давр мобайнида Ўзбекистонга 175 мингдан ортиқ чеченлар, 157 минг ингушлар, 150 мингдан ортиқроқ қрим татарлар, 4500 болқорлар, ўн минглаб месхети турклари ҳамда греклар кўчириб келтирилган [9.147].

1943-1944 йилларда совет-герман фронтида ҳарбий кучлар нисбати советлар фойдасига ўзгарган бўлса-да, бу халқлар “душман билан ҳамкорлик қилиш”да айбланди, ҳеч кимдан ҳеч нарса сўраб суриштирилмади, ҳар бир шахснинг қанчалик гуноҳкорлиги, айбдорлигига аниқлик киритилмади. Барча оммавий тарзда қаттиқ жазоланди. Мазкур кўчириш сиёсатининг яширин тарзда ва зудлик билан амалга оширилиши эса катта кулфатларга, кўпчилик одамлар, болаларнинг йўл азобидан қирилиб кетишига олиб келди. Бу халқларнинг қариялари, хотин-қизлари ва болалари адолатсиз равишда жазоланаётган бир пайтда, уларнинг фарзандлари, ёру биродарлари немис-фашистларга қарши жанг қилмоқда эдилар. Бу вақтда улар юртдошлари ва оилаларининг бошига тушган мудҳиш кулфатдан бехабар эдилар.

1943 йил охирлари – 1944 йил бошларида ўз юртидан бадарға қилинган минглаб халқлар Андижон вилоятига ҳам кўчириб келтирилди. Уларни ўз вақтида жойлаштириш масаласи энг муҳим вазифалардан бирига айланиб, бу вазифа ўзбек халқи зиммасидаги байналмилал бурч бўлиб қолди.

Андижон халқи марказий ҳокимият, қолаверса, Андижон области раҳбарияти томонидан берилган вазифаларни бажара бориб, уруш йилларида юртимизга кўчириб келтирилган халқларга нисбатан кўрсатган инсонийлик фазилатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Жуда ҳам оғир бир даврда Ўзбекистон халқи уларга уйларидан бошпана берди, топганини биргаликда баҳам кўрди. Ўзбек халқининг инсонийлик, олижаноблик ва болажонлик фазилатлари уруш йилларида кўчириб келтирилган аҳолига кўрсатган очиққўнгиллиги, ҳамдардлиги ҳамда ғамхўрлигида ўз ифодасини топди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов айганларидек “...эл-юртимизнинг маънавий қудрати, унинг одамийлик фазилатлари, меҳр-оқибати, мардлиги ва олижаноблиги айни мана шундай унутилмас воқеаларда, тарихий мисолларда яққол намоён бўлади” [1. 9].

Ўзбекистонга Қримдан татарлар, арманлар, греклар, болгарлар ва б.; Шимолий Кавказдан чеченлар, ингушлар, болқорлар, қорачойлар, месхети турклари ва б.; Грузиядан эса турклар, қурдлар, хемшиллар ва б. халқларнинг мажбуран кўчирилгани қайд этиб ўтилган бўлса-да, депортация қилинган озарбайжонлар ҳақида деярли маълумотлар учрамайди.

“Озарбайжонлар қачон ва қайси ҳудуддан Ўзбекистонга депортация қилинган?” деган савол, албатта, кўпчиликни қизиқтириши табиийдир. Озарбайжонларнинг ўз юртидан бадарға қилиниши бўйича маълумотларни россиялик тарихчилар В.Земсков [5.108, 121] ва Н.Ф.Бугай [6.169] асарларида учратиш мумкин. В.Земсков ўз тадқиқотида 1944 йилда Грузиядан кўчирилган халқларни 4 гуруҳга ажратади – “турк”, “курд”, “хемшил” (хемшин) ва “бошқалар”. У депортация қилинган “бошқалар” гуруҳининг асосий қисмини озарбайжонлар ташкил этиши ҳақидаги фикрни билдириб ўтади [5.108]. Бундай фикрлар интернетда ҳам учрайди [7].

Виктор Земсков фикрича, 1944 йилда И.Сталин ва Л.Берия ўртасида Грузиядаги турк, хемшил ва курд халқларини ўз жойларидан кўчириш масаласи муҳокама қилинган вақтда озарбайжонлар ҳақида сўз очилмаган. Лекин НКВД ходимлари туркий тилда сўзлашганлари учун озарбайжонларни ҳам турклар деб ҳисоблаб, уларга нисбатан кўчириш сиёсатини амалга оширганлар [5.108].

Қрим, Кавказ ва Грузиядан кўчириб келтирилган халқлар ҳақидаги маълумотлар Андижон вилоят давлат архиви, Андижон вилояти Қўрғонтепа ва Избоскан туман давлат архив ҳужжатларида ҳам сақланмоқда. Маълумотлар шуни кўрсатадики, 1944 йилда Андижон вилоятига Грузиядан бир қанча халқлар келтирилиб, Холдовонбек, Ворошилов, Избоскан, Пахтаобод ва Жалақудуқ туманларига жойлаштирилган [10.11]. Хусусан, Грузияда яшаган озарбайжонларнинг аксарияти Жалақудуқ туманидан қўним топган эди [11.20.]. Уларнинг кўпчилиги қариялар, аёллар ва болалар бўлиб, Ўзбекистонга келиши санаси 1944 йилнинг 6 декабри деб қайд этилган [11.20,21]. Хусусан, “Қизил байроқ” колхозида 8 нафар, Колхоз-Қишлоқ советидаги “Ленин” колхозида 10 нафар боқувчиси йўқ [12.69,89] озарбайжон рўйхатга олинган. Шунингдек, Жалақудуқ қишлоқ советида рўйхатга олинган, боқувчисини йўқотган 12 нафар озарбайжонлардан 7 нафари Улуғ Ватан урушининг 2-гуруҳ ногирони бўлган [12.131].

Ўзбек халқи уларни беғараз кутиб олди: яшаш учун ўз хонадонларидан жой, озиқ-овқатлар билан ёрдам берди. Маҳаллий ҳокимият уларга ҳосилдор ерлардан томорқа ер, уй қуриш ва хўжалик юритиш учун кредит маблағлари ажратди. Мисол учун, “Ленин йўли” колхозида озарбайжонлардан 13 нафари ишлаётгани, уларга томорқа ери ва экиш учун уруғлик ажратиб берилгани архив ҳужжатида қайд этилган. Маълумотдаги 13 кишининг битта фамилияда эканидан кўриниб турибдики, бутун бир оила (Шейбовлар оиласи) вакиллари депортацияга учраган [12.142].

Қўрғонтепа туман давлат архивидаги мавзуга оид материаллар тадқиқ этилганда, 1944 йилда кўчириб келтирилган ва рўйхатга олинганлардан 56 нафари озарбайжон миллатига мансублиги маълум бўлди [12. 69, 71, 89, 104, 131, 142].

Ўзбекистонликлар уруш туфайли қийин ва оғир шароитда қолганига қарамасдан, кўчириб келтирилганларга, ўз юртидан бадарға қилинганларга, яradор ва ногиронларга, фронтга кетганларнинг оиласига, ота-онасиз қолган етим болаларга кўрсатган ғамхўрлиги ўзбек халқининг қардошларча дўстликка инсонпарварлик билан интилишининг ёрқин тимсоли, улкан ахлоқий куч-қудрати, олижаноблигининг чин маънодаги исботи бўлди. Ўзбек халқи кўчириб келтирилган аҳолига кўрсатган ғамхўрлик ҳақида И.А.Каримовнинг мана бу фикрларини келтириб ўтиш жоиз: “Ўша оғир йилларда, бир бурда нон тансиқ бўлган йилларда, Ўзбекистон уруш туфайли уй-жойсиз қолган минглаб оилаларга бошпана берди, нон берди ва қанчадан-қанча етим-есирларнинг бошини силади. Халқимизнинг инсонпарварлик ва олижаноблик фазилатлари тилларда достон бўлди” [2.80-81].

Урушдан кейинги даврда ҳам, оғир иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, маҳаллий аҳоли ва Ўзбекистон ҳукуматининг кўчириб келтирилганларни моддий қўллаб-қувватлаши давом этди. Ўзбекистон ҳукуматининг 1945 йил 16 июндаги қарорига кўра Грузиядан кўчириб келтирилганларга диференциалланган тарзда кредитлар бериш кўзда тутилган. Унга кўра, бир оилага 1-гуруҳ бўйича қурилишга 5000 ва уй хўжалигига 2000 жами 7000 сўм; 2-гуруҳ учун қурилишга 4000 ва уй хўжалик юмушларига 3000 жами 7000 сўм кредит маблағлари ажратиш режалаштирилган [11.120].

Кўчириб келтирилган хўжаликлар иқтисодий аҳволини яхшилашга қаратилган чоралар қўллашда давом этилиб, уларга унумдор ҳудудлардан экин ер ва уруғлик ажратиб турилди. Масалан, Жалақудуқ райижроқўмининг 1946 йил 27 майдаги қарорига асосан, Грузиядан келган кўчирма хўжаликларни уруғлик билан таъминлаш мақсадида 1946 йил ҳосили ҳисобидан қайтариб бериш шарти билан уруғлик берилган [11.36].

Андижон вилоятида 1947 йил 1 январь ҳолатига Қримдан махсус кўчириб келтирилганлар 4484 оилани ёки 14672 кишини ташкил этган бўлса, Грузиядан махсус кўчириб келтирилганлар 1446 оилани ёки 6097 кишини ташкил этган [10.9].

Мажбуран кўчириб келтирилган бошқа халқлар қатори озарбайжонлар ҳам уруш йиллари ва урушдан кейинги дастлабки йилларда маҳаллий

аҳоли хонадонларида, клубларда, махсус қурилган биноларда, чойхоналарда, дала шийпонларида истиқомат қилишган бўлса, 1949 йилдан бошлаб ўз оила аъзолари билан бирга алоҳида хонадонларда истиқомат қила бошлашди. Бевосита хўжалик китоблари юритилиб, улар ҳисобга олиб борилган. Қўрғонтепа тумани Савай посёлка Советининг 5-бўлимида маҳаллий ўзбек, қирғиз, тожик, уйғур аҳоли вакиллари билан бир қаторда рус, украин, татар, мордвин, чуваш ҳамда депортация қилинган қрим татар, турк, месхети турклари ва озарбайжонлар истиқомат қилишган. 1949-1951 йилларда Савай посёлка Советининг 5-бўлими бўйича юритилган хўжалик китобида 253 та оила рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 38 таси 149 нафар озарбайжонлардан ташкил топган [13.24,25,26,28].

В.Земсков маълумотларига кўра, 1953 йил 1 январь ҳолатига собиқ Иттифоқдаги махсус меҳнат посёлкаларида Грузиядан 1944 йилда кўчирилган “бошқалар” (асосан озарбайжонлар) дан 29633 киши рўйхатга олинган [6.121] бўлиб, шундан 12610 нафари Ўзбекистонда қайд этилган. Ўзбекистон вилоятлари бўйича Тошкент вилоятида – 1688, Самарқанд вилоятида – 4127, Фарғона вилоятида – 2863, Андижон вилоятида – 3301, Қашқадарё вилоятида – 559, Бухоро вилоятида – 37 нафар озарбайжонлар бўлган [5.213,222,223].

Уруш даврида ўз ватанидан бадарға қилинган озарбайжонларнинг Ўзбекистондаги тақдири масаласи деярли ўрганилмаган мавзулардан биридир. Биз фақат Андижон вилояти Қўрғонтепа туман давлат архивида сақланаётган архив маълумотларидан мисоллар келтирдик, холос. Республикамиздаги мавжуд архив маълумотларини ўрганиш орқали Ўзбекистонга бадарға қилинган озарбайжонлар сонини, уруш ва урушдан кейинги даврлардаги тақдирларини батафсил ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, Биринчи Президентимиз таъкидлаганларидек: “Тарих ўргатади, тарих огоҳ этади, айни пайтда тарих бизга тўғри йўлни танлашда маслаҳат беради. Бундан олдинги замонларда қандай воқеалар бўлганини, улардан қандай хулосалар чиқариб, қайси хатоларни такрорламаслик кераклигини, қайси йўлдан олдинга бориш лозимлигини ким ўргатади? Албатта, тарих ўргатади...” [3.9-10]

Депортация қилинган озарбайжонларнинг аксарияти реабилитация (афв) қилинган халқлар қатори 1953 йилдан сўнг ватанларига қайтиш ҳуқуқини олишгач, Ўзбекистондан кетишган. Ўзбекистонда муқим яшаб қолганлари эса бугунги Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

Адабиётлар:

1. Каримов И. Биз доим тарихдан сабоқ чиқариб, тинчликни қадрлаб, ғурур ва ифтихор билан яшайдиган халқмиз. -Т.: Ўзбекистон, 2014. – 56 б.

2. Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. Асарлар.- Т.: Ўзбекистон, 1996.- 389 б..

3. Каримов И. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. -Т.: Ўзбекистон, 2013. - 34 б .

4. Бугай. Н.Ф. Л.Берия – И.Сталину: Согласно Вашему указанию.... – М.: “АИРО-ХХ”, 1995. - 320 с.

5. Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР. 1930 – 1960. – М.: Наука, 2005. – 306 с.

6. Земсков В.Н. Демография заключенных, спецпоселенцев и ссыльных (30 –50-е годы). // МИР РОССИИ.- 1999.- N-4.- С.121

7. http://ru.wikipedia.org/. Википедия – свободная энциклопедия. Депортации времён Великой Отечественной войны. Депортация азербайджанцев.

8. Муртазаева Р. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик.– Т.: Университет, 2007. -184 б.

9. Усмонов Қ., Содиқов М. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари 1-босқич ўқувчилари учун дарслик. Тўлдирилган тўртинчи нашр. -Т.: Шарқ, 2014. - 224 б.

10. Андижон вилояти давлат архиви. 608-фонд, 224-иш.

11. Андижон вилояти Қўрғонтепа туман давлат архиви, 139-фонд, 123-иш

12. Андижон вилояти Қўрғонтепа туман давлат архиви, 139-фонд, 124-иш

13. Андижон вилояти давлат архиви. 608-фонд, 224-иш.

Андижон давлат университети,
2016 йил 20 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. М.Абдуллаев)